



Ислом Нури

Анас ибн Молик розияллоху анҳудан ривоят қилинади: «Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам жониворларни тириклай нишон қилишдан қайтарганлар» (Имом Муслим ривояти).

«Жониворларни нишон қилиш – уларни боғлаб қўйиб, камон ёки ўқ отиб ўлдиришдир» (Шарҳи Нававий).

Саид ибн Жубайр раҳимахуллоҳ айтади: Ибн Умар розияллоху анҳумо бир товукни нишон қилиб, унга ўқ отаётган кишилар ёнидан ўтиб қолдилар. Улар Ибн Умарни кўриб, тарқалиб кетишди. Шунда Ибн Умар: «Буни ким қилди?! Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам бундай қилган кишини лаънатлаганлар», дедилар (Имом Муслим ривояти).

Бир ривоятда: «Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам жонли нарсани нишон қилганни лаънатлаганлар».

Бир ривоятда: «Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам жонли нарсани нишон қилганни лаънатлаганлар».



Шарҳ:

Ислом дини – меҳр-шафқат дини, ҳар бир нарсага, ҳатто ҳайвонларга ҳам яхшилик қилиш дини. Шунинг учун Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам жонли нарсани нишон қилиб, ўқ отишдан қаттиқ қайтарганлар ва бундай қилган кишини лаънатлаганлар. Чунки бунда бечора жониворга бекордан-бекор азоб бериш ҳосил бўлади.

Бугунги дарсдан олинадиган фойдалар:

1. Ҳайвонларни боғлаб ё қамаб қўйиб, ўққа нишон қилиш ҳаром;
2. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай қилган кишини лаънатлаганлар ва бу гуноҳи кабиралардан;